Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 192 (8182). ● 9 октябрь, 1983 йил ● ЯҚШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ХУШХАБАР КЕТИДАН ХУШХАБАР

● **ЎРТА ЧИРЧИҚ.** Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари район хўжаликлари ўртасида ҳамон пешқадамлик қилмоқдалар. Илғор бригада коллективлари бирин-кетин ғалаба рапортига имзо чекишяпти.

Шоймардон Қўқанов бошлиқ бригада аъзолари ҳам 89 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариб, пахта тайёрлаш планини 101,87 процент қилиб бажардилар. Бригаданинг механик-ҳайдовчиси Абутолиб Гулматов машинаси бункеридан 107 тонна «оқ олтин» тўкиб, коллектив ютуғига баракали ҳисса қўшди.

Худойберди Дадашов бошлиқ бригада ҳам дастлабки довондан ошди. Қабул пунктларига топширилган 257 тонна пахтанинг ярмидан кўпини механик-ҳайдовчилардан Рустам Абдураззоқов билан Йўлдош Султоновлар териб беришди.

МУКОФОТ МУБОРАК, ҒОЛИБЛАР

● **БЕКОБОД.** Ленин номли колхоз бўлимлари, бригадалари ўртасида социалистик мусобақа қизғин тус оляпти. Октябрь ойининг дастлабки беш кунлигида йиллик планнинг 20 процентига яқинини олишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини чуқур ва ҳар томонлама ифодалайди. Баёнотда дунёда вужудга келган вазият синфий жиҳатдан пухта анализ қилиниб, АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда амалга ошираётган милитаристик йўл принципиал баҳоланади ҳамда президент Рейганнинг Совет Иттифоқига ва социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларга қилаётган қўпол туҳмат-бўҳтонларига ва ашаддий ҳужумларига муносиб зарба берилади.

Совет халқи Ю. В. Андроповнинг Баёнотини астойдил маъқулламоқда. КПСС Марказий Комитети, давлат ва жамоат ташкилотлари, матбуот, радио ва телевидение номига меҳнаткашлардан кўплаб хатлар келди ва ҳамон келиб турибди. Меҳнат коллективларида кўпдан-кўп йиғилишлар бўлиб ўтди. Москвада урушга қарши оммавий намойиш ўтказилди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг совет халқи, ўз дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлашга ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, халқаро нескилликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган қатъий ўзгармас йўлини ялпи-диллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Совет кишилари Америка империализмининг инсон зотига душман авантюристик сиёсатини, НАТО мамлакатларида ва аввало АҚШда олиб борилаётган советларга қарши кампанияни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан социалистик ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини изҳор этмоқдалар.

Қардош социализм мамлакатларининг халқлари, коммунистик ва ишчи партиялар, ташкилотлар ва тинчликсевар жамоатчилик ҳаракатлари Ю. В. Андроповнинг Баёнотини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бу ҳужжат бутун инсоният учун зўр аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат бўлиб, милитаризм кучларини тўхтатиб қолишга, дунёни ядро уруши томон силжиб боришига йўл қўймаслик учун курашишга СССР азму қарор берганлигини намойиш этади, деб уқтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси совет кишиларининг олижаноб ҳис-туйғуларига, бутун планетадаги холис ниятли кишиларнинг бирдамлигига юксак баҳо бериб, ўзининг ленинча тинчлик сиёсатига муттасил содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади ва шу билан биргаАҚШ билан НАТОнинг ҳал этиш, барча участкаларда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш билан пухта боғлаб олиб борилиши, планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтиришга меҳнаткашларни сафарбар этишга актив кўмаклашиш керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Яман Социалистик партияси Марказий Комитети бош секретари А. Н. Муҳаммад билан ўтказган суҳбати якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ана шу суҳбат чоғида халқаро вазиятнинг, қуролланиш пойгасига қарши, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашнинг энг муҳим проблемалари юзасидан иккала мамлакатнинг фикрлари бирлиги таъкидланди, Совет Иттифоқи билан демократик Яман ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни изчиллик билан чуқурлаштириш ва ривожлантириш муддаоси изҳор этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Россия Федерацияси Ноқоратупроқ зонасининг қиёфасини ўзгартириш программасини амалга ошириш соҳасидаги ишлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кейинги даврда мамлакатнинг ана шу жуда кенг зонасида ерларни мелиорациялаш ва химиялаш, колхозлар ва совхозларни ташкилий ҳамда техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, қишлоқни социал қайта қуриш борасида талайгина ишлар қилинди. Партиянинг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартиришга доир ўтказиб келаётган йўли ва ҳозирдаёқ амалга оширилган тадбирлар қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига ижобий таъсир ўтказа бошлади. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Ноқоратупроқ зонадаги областлар билан Автоном республикалар ўтган йили ва шу йил ғалла тайёрлаш планини бажардилар. Гўшт ва сут харид қилиш бир мунча ошди.

Шу билан бирга бир қанча министрликлар ва идоралар маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартириш соҳасидаги ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Бир қанча ҳолларда қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришда зарур бурилиш таъминланмаган. Зона қишлоқ хўжалиги кенг кўламда мелиорациялаш, комплекс механизациялаш ва химиялаш, ердан оқилона фойдаланиш асосида интенсив ривожланиш йўлига суст ўтказилмоқда. Бунинг натижасида моддий-техника ресурслари ва вужудга келтирилган ишлаб чиқариш фондлари етарлича самара бермаяпти.

РСФСР Министрлар Совети-га, министрликлар ва идораларга, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, Ноқоратупроқ зонани юксак даражада ривожланган деҳқончилик ва чорвачилик регионига айлантириш юзасидан амалий тадбирлар кўриш таклиф этилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш, меҳнат ва маданий шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, бу ишга шаҳарлардаги корхоналар ва ташкилотларни кенг жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Ўн иккинчи беш йиллик планини тайёрлаш чоғида Ноқоратупроқ зонани янада ривожлантириш, мамлакат шу зонаси қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ А. А. Громиконинг Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги ахборотини маъқуллади.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 8 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун—мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

Бўка	2,90	65,46	2,96	58,30
Коммунистик	3,31	58,39	3,61	54,84
Оққўрғон	2,16	57,37	2,06	50,78
Пискент	2,32	56,26	2,17	41,55
Бекобод	2,61	53,56	1,72	28,77
Ўрта Чирчиқ	3,20	50,90	3,58	47,38
Ғалаба	2,75	49,41	2,23	45,26
Чиноз	2,39	48,18	1,74	26,58
Янгийўл	2,34	44,65	1,21	19,02
Область бўйича:	2,68	54,57	2,38	43,16

ХУШХАБАР

2860 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

РЕСПУБЛИКА партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига амалий жавоб бериш учун қизғин кураш олиб бораётган Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз пахтакорлари дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик плани областда биринчилар қаторн 6 октябрда адо этилди. Қабул пунктларига топширилган 2860 тонна «оқ олтин»нинг ҳаммаси четдан ёрдамчилар жалб этилмай, колхозчилар кучи билан йиғиштириб олинди. Унинг 92 процента «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Колхоз коллективининг катта ютуғига ҳамма бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар. Акбар Мирзажонов, Акмал Довудов, Турсунмат Ўташев, Ислом Пўлатов, Қундузхон Ашурова, Худойберди Алиевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг аъзолари алоҳида ғайрат кўрсатишди. Бу бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 35—40 центнердан хирмон кўтарилиб, йиллик план 110—125 процент оажарилди.

Абдураҳим Дадабоев, Тошмирза Қўшмирзаев, Малик Салимов, Тўрақул Марҳабоев, Эсон Омонов сингари механик-ҳайдовчилар 150—170 тоннадан пахта териб колхоз хирмонига оарака киритдилар.

Хўжалик пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Шунн ҳисобга олган колхоз меҳнат аҳли йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттириб, 20 октябргача давлатга жами 3680 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятни ҳам муваффақиятли адо этишга қатъий қарор қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» область газетасининг редактори ўртоқ Нўъмон **Насимов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

«ОҚ ОЛТИН» МАВСУМИГА — КОМСОМОЛ КАФОЛОТИ

ЁШЛАР ОТРЯДИ — ЗАРБДОР ОТРЯД

Серқуёш диёримизда пахта йиғим-терими қун сайин авжига чиқмоқда. Бугунги кунда билагида кучи, юрагида ўти бор ҳар бир киши ўз ўрнини пахтазорда — ҳосил тақдири ҳал бўлаётган жасорат майдонида деб билмоқда. Бу умумхалқ ғашарида районимизнинг салкам 13 минг кишилик комсомол-ёшлар отряди ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республика коммунистлари ва комсомолларига, колхозчиларига, ишчиларига, механизаторларига, агросаноат комплексининг раҳбарлари ва мутахассисларига, студентларига ва ўқувчиларига, барча меҳнаткашларига Мурожаати комсомолларимизнинг куч-ғайратини янада ошириб юборди. «Биринчи бўлиб пахтакорларнинг сафларида туриш, энг қийин участкаларда пешқадам бўлиш, одамларни руҳлантириш — бизнинг олий бурчимиздир». Мурожаатдаги бу сатрлар ёшларимиз дилидаги гаплардир. Шунга кўра районимиз комсомоллари янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

Районимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида 32 минг тонналик хирмон бунёд этишга бел боғлаганлар. Шу кунларда терим суръатини оширишда зарбдор комсомол-ёшлар отрядлари муҳим роль ўйнамоқдалар. Мавсум бошида турли коллективлар ёшларидан иборат 15 та зарбдор отряд тузган эдик. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан сўнг уларнинг сони янада кенгайиб, 34 тага етди. Айни пайтларда зарбдор отрядларга бирлашган 2150 дан ортиқ комсомол-ёшларимиз пахтазорларда ҳалол меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 600 тоннадан ошиб кетди.

Ўзига хос меҳнат беллашувида «Битовик», «Педагог», «Кооператор», «Конструктор» каби отрядлар пешқадамликни қўлдан беришмаётир. «Чиноз» совхозтехникумининг «Чорвадор», район соғлиқни сақлаш бўлимининг «Медик», автомобиль ремонти заводининг «Автомобилист», район комсомол комитетининг «Энтузиазист» отрядлари ҳам улардан қолишмаяпти. Бу коллективларнинг Усмон Сиддиқов, Алишер Жўраев, Раҳима Тешабоева, Эргаш Сулаймонов, Салқинбой Адиров, Алишер Иброҳимов, Карима Богданова сингари аъзолари кунига 80—100 килограммдан дурдона териб, эл хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Мавсум давомида уларнинг ҳар бири 7—8 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилиш-ган.

Ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишда хўжаликлар комсомол ташкилотлари аъзоларидан ташкил топган отрядлар ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. «Садовник», «Прогресс» отрядлари Энгельс номли колхозда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Районимизда ёш пахтакорлар сафи йил сайин кенгайиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Ҳозир турли хўжаликларда 30 дан ортиқ ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузилган. Улардан 17 таси бевосита пахтачилик билан шуғулланяпти. Бу соҳада Бобур номли 9-ўрта мактабнинг Эркин Очилов бошлиқ бригадаси эришаётган ютуқлар, айниқса, самарали бўляпти. Ёшлар 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,2 центнердан хирмон кўтариб, 29 сентябрда районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекишди лар. Эндиликда улар 60 центнерлик маррани эгаллаш учун қизғин кураш олиб боряпти лар. Шунингдек, 1-Май номли 25-, Пушкин номли 1-ўрта мактаблар ўқувчи-ёшлар бригадалари ҳам ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш йўлида тер тўкмоқдалар.

Йиғим-терим мавсуми ёшларимиз учун фақат меҳнат синовигина эмас, балки ташкилотчилик ва сиёсий ишлар синови ҳамдир. Терим даври да ёш пахтакорлар ўртасида идеология ишининг турли форма ва методларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Дала шийпонларида жорий қилинган мусобақа экранларида ҳар бир теримчининг кунлик кўрсаткичлари қайд қилиб борилмоқда. Беш кунлик якунига кўра ғолиб отрядларга, илғор теримчиларга район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ва вимпеллар, фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилмоқда.

Ёшларимизнинг самарали меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари устида ҳам алоҳида қайғураяпмиз. Шу мақсадда турли мавзуларда баҳслар ўтказаяпмиз. Бу жиҳатдан район комсомол комитети ҳузурида тузилган агитбригада коллективи намунали фаолият кўрсатаяпти. Улар ёш пахтакорларнинг кундалиқ меҳмонларига айланиб қолдилар. Ҳар оқшом ранг-баранг концерт программалари билан ёшлар кўнглини хушнуд этмоқдалар.

«Қалбда ўти, билагида кучи бор ҳар бир йигит-қизнинг ўрни пахтазордадир!» Бу шиор ҳозир ҳар дақиқа, ҳар соат сайин баралла янграмоқда.

Б. РУСТАМОВ,
Чиноз район комсомол комитетининг биринчи секретари.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Коммунистик район**нига (район партия комитетининг секретари Мирзақулов, район ижроия комитетининг раиси Ли, РАПО раиси Налибоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети раиси Султонова, район комсомол комитетининг секретари Толипов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Каримов ўртоқлар) берилди. Бу районда давлатга пахта сотиш йиллик плани 51,58 процент, шу жумладан машина терими плани 47,42 процент бажарилган. Октябрь ойининг биринчи беш кунлигида давлатга йиллик планнинг 19,04 процентига яқинини олишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини чуқур ва ҳар томонлама ифодалайди. Баёнотда дунёда вужудга келган вазият синфий жиҳатдан пухта анализ қилиниб, АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда амалга ошираётган милитаристик йўл принципиал баҳоланади ҳамда президент Рейганнинг Совет Иттифоқига ва социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларга қилаётган қўпол туҳмат-бўҳтонларига ва ашаддий ҳужумларига муносиб зарба берилади.

Совет халқи Ю. В. Андроповнинг Баёнотини астойдил маъқулламоқда. КПСС Марказий Комитети, давлат ва жамоат ташкилотлари, матбуот, радио ва телевидение номига меҳнаткашлардан кўплаб хатлар келди ва ҳамон келиб турибди. Меҳнат коллективларида кўпдан-кўп йиғилишлар бўлиб ўтди. Москвада урушга қарши оммавий намойиш ўтказилди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг совет халқи, ўз дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлашга ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, халқаро нескилликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган қатъий ўзгармас йўлини ялпи-диллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Совет кишилари Америка империализмининг инсон зотига душман авантюристик сиёсатини, НАТО мамлакатларида ва аввало АҚШда олиб борилаётган советларга қарши кампанияни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан социалистик ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини изҳор этмоқдалар.

Қардош социализм мамлакатларининг халқлари, коммунистик ва ишчи партиялар, ташкилотлар ва тинчликсевар жамоатчилик ҳаракатлари Ю. В. Андроповнинг Баёнотини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бу ҳужжат бутун инсоният учун зўр аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат бўлиб, милитаризм кучларини тўхтатиб қолишга, дунёни ядро уруши томон силжиб боришига йўл қўймаслик учун курашишга СССР азму қарор берганлигини намойиш этади, деб уқтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси совет кишиларининг олижаноб ҳис-туйғуларига, бутун планетадаги холис ниятли кишиларнинг бирдамлигига юксак баҳо бериб, ўзининг ленинча тинчлик сиёсатига муттасил содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади ва шу билан биргаАҚШ билан НАТОнинг ҳал этиш, барча участкаларда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш билан пухта боғлаб олиб борилиши, планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтиришга меҳнаткашларни сафарбар этишга актив кўмаклашиш керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Яман Социалистик партияси Марказий Комитети бош секретари А. Н. Муҳаммад билан ўтказган суҳбати якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ана шу суҳбат чоғида халқаро вазиятнинг, қуролланиш пойгасига қарши, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашнинг энг муҳим проблемалари юзасидан иккала мамлакатнинг фикрлари бирлиги таъкидланди, Совет Иттифоқи билан демократик Яман ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни изчиллик билан чуқурлаштириш ва ривожлантириш муддаоси изҳор этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Россия Федерацияси Ноқоратупроқ зонасининг қиёфасини ўзгартириш программасини амалга ошириш соҳасидаги ишлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кейинги даврда мамлакатнинг ана шу жуда кенг зонасида ерларни мелиорациялаш ва химиялаш, колхозлар ва совхозларни ташкилий ҳамда техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, қишлоқни социал қайта қуриш борасида талайгина ишлар қилинди. Партиянинг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартиришга доир ўтказиб келаётган йўли ва ҳозирдаёқ амалга оширилган тадбирлар қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига ижобий таъсир ўтказа бошлади. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Ноқоратупроқ зонадаги областлар билан Автоном республикалар ўтган йили ва шу йил ғалла тайёрлаш планини бажардилар. Гўшт ва сут харид қилиш бир мунча ошди.

Шу билан бирга бир қанча министрликлар ва идоралар маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг Ноқоратупроқ зона қиёфасини ўзгартириш соҳасидаги ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Бир қанча ҳолларда қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришда зарур бурилиш таъминланмаган. Зона қишлоқ хўжалиги кенг кўламда мелиорациялаш, комплекс механизациялаш ва химиялаш, ердан оқилона фойдаланиш асосида интенсив ривожланиш йўлига суст ўтказилмоқда. Бунинг натижасида моддий-техника ресурслари ва вужудга келтирилган ишлаб чиқариш фондлари етарлича самара бермаяпти.

РСФСР Министрлар Совети-га, министрликлар ва идораларга, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, Ноқоратупроқ зонани юксак даражада ривожланган деҳқончилик ва чорвачилик регионига айлантириш юзасидан амалий тадбирлар кўриш таклиф этилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш, меҳнат ва маданий шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, бу ишга шаҳарлардаги корхоналар ва ташкилотларни кенг жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Ўн иккинчи беш йиллик планини тайёрлаш чоғида Ноқоратупроқ зонани янада ривожлантириш, мамлакат шу зонаси қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ А. А. Громиконинг Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги ахборотини маъқуллади.



Чиноз райони комсомолларидан ташкил топган зарбдор отрядлар ўртасидаги меҳнат беллашувида Бобур номли 9-ўрта мактабнинг Эркин Очилов бошлиқ ўқувчи-ёшлар ишлаб чиқариш бригадаси пешқадамликни қўлдан бермаётир. Суратларда: (чапдан) бригада бошлиғи Эркин Очилов механизаторлар Шуҳрат Ғаффоров ва Шавкат Мўминовлар билан навбатдаги пайкалда теримни бошлаш олдидан; бригада пахтазорларяда машина терими пайти.

Е. Ботиров фотолари.

10 ТОННА ТЕРАМАН

Бригадамизда бу йил 75 гектар ерда пахта етиштирилди. Ҳосилдорликни 40 центнерданга етказиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Айни кунларда пахтазорларимизда бўлган киши ана шу юксак мажбуриятга ярашв ҳосил тўплай олганлигимизнинг гувоҳи бўлади.

Ҳозир бригадамиз далаларида йил бўйи тўккан пешона теримиз эвазига бунёд этилган «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларигача нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун қизғин кураш кетяпти. Мусобақадошим Нурия Шодиева билан ҳар биримиз мавсумда 10 тоннадан пахта теришга аҳдлашганмиз.

Г. НАЗИМОВА,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз теримчиси.

ССРР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Шу йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида 5 ва 6 ноябрь дам олиш кунлари 7 ва 8 ноябрь байрам кунларидан олдин келиши ва шу тариқа кўпчилик корхоналар ҳамда ташкилотларда сурункасига тўрт дам олиш куни бўлиши муносабати билан, 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини муваффақиятли бажариш мақсадида СССР Министрлар Совети қарор қилди:

1. 1983 йилнинг 5 ноябри иш куни деб ҳисоблансин.

2. Ишчи ва хизматчилар фойдаланмаган 1983 йил 5 ноябрь дам олиш куни уларнинг йиллик отпускасига қўшилсин ва отпуска кунларига тўланган каби тартибда ҳақ тўлансин.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЭЪТИҚОДЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Тошкент область Давлат педагогика институти партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши активлик ва ишчанлик руҳида ўтди. Докладчи, партбюро секретари С. Файзуллаев КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленуми қарорлари асосида таълим-тарбия ишларини кучайтириш, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш бўйича институт коммунистлари фаолиятини чуқур таҳлил қилди.

Ҳозир институтда 145 ўқитувчи ёшларга билим бермоқда. Улар орасида уч профессор, 35 фан кандидати, 17 доцент бор. С. Носирхўжаев, С. Асқарова, И. Ергешев каби таниқли олимлар билан коллектив ҳақли равишда фахрланади. Улар ҳиссаси билан студентларнинг ўзлаштириш даражаси йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида 67 та группадан 40 тасида тўла ўзлаштиришга эришилди.

Институт партия ташкилоти студентлар ва педагоглар 165 йиллиги, РСДРП II съездининг 80 йиллигига бағишланган илмий конференцияларда институт олимлари ва студентлари қизиқарли мавзуларда қатор докладлар билан чиқдилар. Умуман, институтда лекция пропагандасини яхшилаш, марксча-ленинча билимларни кенг тарғиб этишга эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Ўтказилаётган лекторлар кунида «Билим» жамияти аъзолари студентлар ва педагоглар ўртасида қизиқарли темаларда лекциялар ўқимоқдалар, учрашувлар ташкил этмоқдалар.

Йиғилишда бажарилган ишлар танқидий кўз билан таҳлил қилинди. Сўзга чиққан коммунистлардан А. Улуғхўжаев, У. Ҳолбоев, Т. Турғунов ва бошқалар таълим-тарбия ишларини, студентлар ва педагогларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга, коллективнинг сиёсий активлигини оширишга ёрдам берувчи кўпгина таклифларни ўртага ташладилар. Нотиқлар энг аввало маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссия аъзолари активлигини кучайтириш зарурлигини уқтирдилар. Комиссия ҳисобот тили, чет тиллари, жисмоний тарбия кафедраларида бирорта ҳам фан кандидати йўқ. Бу соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш устидан назорат қилиб бориш партбюронинг муҳим вазифасидир. Айни пайтда сиёсий ахборотлар савиясини ҳам ошириш лозим. Ҳар бир йигит-қиз мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида рўй бераётган воқеаларни билиб борсин, унга ўз муносабатини билдирсин. Бир сўз билан айтганда студентларнинг ҳаётдаги актив позициясини таъминлаш шу кунниг талабидир.

Институт партия ташкилоти йиғилишда билдирилган ҳар бир фикр ва мулоҳазани умумлаштириб, келажакда амалга ошириш чораларини кўриши керак. Ана шунда бу таклифлар институтда олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга ёрдам бериши табиий.

Йиғилишда Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

У. ЭГАМБЕРДИЕВ.

РЎЙ-РОСТ, ОЧИҚЧАСИГА

Ҳисобот-сайлов йиғилиши тўғрисидаги эълон анча олдин осиб қўйилди. Коммунистлар шу боисдан ҳам йиғилишга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келдилар. Улар дилида кўпгина гаплар йиғилиб қолган эди. Чунки совхозда ҳамма ишлар ҳам жойида эмасди.

Тўғри, совхоз кейинги пайтда маълум даражада олға томон қадам ташлади. Бу йил пилла топшириш плани анча ортиғи билан адо этилди. Йилқичилик, паррандачилик ривожланди. Асалдан ҳам кейинги пайтда мўл ҳосил олинмоқда. Лекин асосий тармоқ ҳисобланган қўйчиликни ривожлантириш оқсаётганлиги коммунистларни чуқур ташвишга солаётган эди.

Мавжуд 3 та қўйчилик фермасида 14,5 мингта қўй боқилмоқда. Ўтган қишлов даврида озуқанинг камчиллиги натижасида кўплаб қўйлар нобуд бўлди. Натижада қўйи олиниши планини ҳам уддалай олмадилар. 30 тонна ўрнига аранг 21,1 тонна жун қирқиб топширилди.

— Ўтган йилдаги қийинчиликлар бизга сабоқ бўлди, — деди ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхози партия комитетининг секретари М. Дўстбоев. — Бу йил биз гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Бунинг учун энг аввало чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаяпмиз. Шу кунгача жамғарилган хашак салкам 9 минг тоннага етиб қолди. Бу ўтган йилдагидан қарийб 3 минг тонна кўпдир.

Сўзга чиққан коммунистлар ютуқларни тилга олиш билан бирга кўпроқ планларни барбод қилган кишиларни юз-хотир қилмай кескин танқид қилдилар.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида 76 коммунист ва уч партия аъзолигига кандидат бор. Кўриниб турибдики, булар катта кучдир. Лекин бу кучлардан оқилона фойдаланишда партия ташкилоти зарур чораларни кўрмаяпти. Ҳисобот даврида 19 марта партия йиғилиши бўлиб ўтди. Уларнинг кўпчилигида чорвачиликни ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишларда қарорлар қабул қилинди-ю, аммо улар тўла ижро этилмади. Партия комитети бу соҳада ҳам талабчанликни бўшаштириб юборди. Сўзга чиққан бош инженер Р. Шодиматов, 3-бўлим бошқарувчиси Э. Мадаминов, бригада бошлиги А. Суюнов ва бошқа коммунистлар ана шу нуқсонларни тилга олдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш юзасидан зарур тадбирлар кўриш лозимлиги ҳам уқтириб ўтилди. Совхозда 15 агитатор, 16 сиёсий ахборотчи, 20 штатсиз лектор бор. Лекин улар олиб бораётган лекция ва суҳбатлар савияси талаб даражасида эмас. Партия ташкилоти идеология кадрларини маҳаллий ҳаётга оид ахборотлар билан тўла таъминлаб бормаяпти. «Чорвадор» деворий газетаси таъсирчанлиги ҳам сезилмайди. Газета муттазам равишда чиқмайди.

Йиғилишда яна кўпгина мулоҳазалар билдирилди. Совхоз партия комитети уларни умумлаштириб, амалга ошириш чораларини кўриши керак.

О. ХУШНАЗАРОВ.

БИР КОРХОНА ХАБАРЛАРИ

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектиси ўн биринчи беш йиллик ва унинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш, кабель тайёрлаш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш учун астойдил курашмоқда. Бирлашма бўлинмаларида социалистик мусобақа за коммунистик меҳнат учун кураш тобора авж олаяпти.

Ҳозирги вақтда социалистик мусобақанинг барча формаларига ишчи-хизматчиларнинг тўқсон процентдан ортиқроғи жалб қилинган. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Салкам 1200 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи шундай шарафли номни олишга сазовор бўлишган. Улар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиб, касбдошларига намуна бўлишмоқда ҳамда корхона коллективи меҳнат зафарларининг салмоқли бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кабелчиларнинг шу йилнинг ўтган ойларидаги ютуқлари анча дуруст бўлди. Давлат плани муваффақиятли бажарилмоқда. Шу давр ичида қўшимча реализация қилинган кабель маҳсулоти ҳажми бир миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

Кўплаб кабелчилар республикамизнинг 15 донгдор ишчисининг ўн биринчи беш йиллик планини барвақт бажариш, бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни уддалаш юзасидан бошлаган ташаббусларини қўллаб-қувватламоқдалар.

Янги-янги ишчилар зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб, ташаббус издошлари қаторидан ўрин олмоқдалар. Куни кеча шундай шахсий мажбуриятлар асосида меҳнат қилаётган ишчилар сони 150 кишига етди.

Бундай сўзи билан иши бир кабелчилар ўз ваъдаларининг устидан чиқиб, нормани доим ортиғи билан адо этмоқдалар, ишда графикдагидан илдамлаб кетишмоқда. Айримларининг меҳнат календарида келгуси йиллар бошланиб кетди. Айниқса, прессловчилардан Ў. Муҳаммадхўжаев, С. Арслонов, қопловчи Н. Синченко, сим чўзувчи Н. Габдулина, сим ва кабелларни синовчи М. Маҳмудова ва бошқа ишчи-хизматчилар шахсий мажбуриятларини тўла ва зиёдаси билан бажармоқдалар. Шунинг учун ҳам улар «Ўн биринчи беш йиллик зарбдори» деган юксак номга сазовор бўлдилар.

ТАКЛИФ САМАРАСИ

Марказий завод лабораторияси ходимлари корхонада техника тараққиётини жадаллаштиришга самарали ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг таклифларини жорий қилиш ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва кўплаб иқтисодий жамғарма олишга ёрдам бермоқда. Ижодкорлар сўнгги вақтларда арзон материаллар ҳамда хом ашёни қўлланиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларни анча кенгайтирдилар.

Масалан, 1983 йил давомида арзон поливинихлорид пластикасидан 200 тонна фойдаланиш планлаштирилган эди. Лекин лаборатория ходимларининг изланишлари туфайли бу топшириқ ярим йилдаёқ оширилиб бажарилди. Бундан эса деярли 20 минг сўмлик фойда кўрилди. Экскаватор кабелларини ишлаб чиқаришда арзон резинка туридан фойдаланиш ўн минг сўм маблағни тежаш имконини берди. Лаборатория ходимларининг бундай фойдали ишларидан бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин.

МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ортиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши, тежамкорлик кўп жиҳатдан ишчи-хизматчиларнинг малакаси ва маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун ҳам заводда кадрлар билан ишлашга, уларнинг касб тайёргарлигини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ишчилар ўз малакаларини ошириш, ёрдамчи касбларни ўрганишлари учун барча қулайликлар яратиб берилган. Бу масалада завод ҳузуридаги 57-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти билан яқиндан ижодий ҳамкорликда мураббийлар хизмати ҳам салмоқли бўлмоқда. Бундан ташқари махсус курслар, ўқувлар ташкил этилмоқда. Шунинг учун ишчи кадрлар тайёрлаш топшириқлари оширилиб адо этилмоқда.


Шу йилнинг биринчи ярмида 150 ишчи тайёрланди. Беш юзга яқин ишчининг малакаси оширилди. 60 кабелчи қўшимча касбларни ўзлаштирди. Илғор меҳнат усуллари мактабларида эса 110 киши ишлаб чиқариш пешқадамлари бўлган ҳамкасблари тажрибасини ўрганди. Йил охиригача яна юзлаб ишчи-хизматчилар малака ошириш, қўшимча касблар ва илғор иш усулларини ўрганиш курслари ҳамда мактабларини битирадилар.

М. МАҲМУДОВ.

ТИКУВЧИЛАР УЧУН МАИШИЙ ХИЗМАТ

Холодильниклар, кир ювиш ва тикув машиналарини, телевизорларни ремонт қилувчи устани чақириш учун буюртмаларни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари ўз фабрикасида беришлари мумкин. Бош корхона территориясида «Ташсервис» фирмасининг комплекс қабул пункти очилган.

(ЎзТАГ).



● Олмалиқ мис эритиш заводининг кўпгина ишчилари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Ана шундай ташаббускор ишчилардан мис эритувчилар А. Галянт ва Г. Самарейкинлар меҳнатда касбдошларига намуна бўлишяпти. Улар нормани доим ортиғи билан бажаришмоқда ҳамда фақат сифатли маҳсулот беришмоқда. Ушбу суратда илғор мис эритувчилар А. Галянт (чапда) ва Г. Самарейкиналарни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.



● Шаҳодат Тожиева Паркент районидаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг илғор ишчиларидан бири. У смена нормаларини 130—135 процент бажариб, 5-цех коллективи ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилаётир.

В. Лешченко фотоси.

Ўзбекистон металлургия заводи реконструкциясида

Тошкент ҳақиқати

СУСТКАШЛИКНИНГ АЙБДОРИ КИМ?

ЁКИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ОҚСАШИГА НИМАЛАР САБАБ БЎЛМОҚДА?

ВАЗИФАЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Бекобод — металлургларнинг шаҳри, аъло сифатли ўзбек пўлати довруғини узоқ-узоқларга таратаётган оловкорлар диёри. Кетма-кет қад ростлаётган кўплаб турар-жой бинолари, йирик саноат корхоналари, гуллаб-яшнаётган сўлим боғ-роғлар, гўзал ҳиёбонлар шаҳар кўркига-кўрк қўшмоқда. Бу ерга қадам ранжида қилган киши диққатини энг аввало шундоққина шаҳарга туташ жойда — Мугол тоғи этакларида қўш эгизаклардек кўкка бўй чўзган улкан иншоотлар ўзига жалб этиши табиий. Улардан бири Бекобод металлургия заводининг «300» стан деб номланган янги қурилишидир.

Объект ўн биринчи беш йиллик сўнггида фойдаланишга топширилиши лозимлиги ҳақида КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида ҳам тилга олинган. Қурилиш ишлари ниҳоясига етказилгач корхона Ўзбекистон халқ хўжалигининг металл прокатига бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бу йил янги станнинг биринчи навбати ишга туширилиши кўзда тутилган. Ана шу масъулиятли вазифани бажаришда бош пудратчи — «Узбекметаллургстрой» трести ишчилари фаол иштирок этмоқдалар. Шу кунларда комплексининг бош корпуси ва 240 метр узунликдаги уч қаватли машиналар зали биносида кудратли технологик асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ишларини ўз вақтида тугаллаш учун қизғин иш олиб борилмоқда. Меҳнат беллашувида трестнинг О. Когай, Б. Осмонов, З. Цапочкина, Г. Қаршибоевлар бошлиқ бригадалари пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Улар зиммаларидаги план-топшириқларни 130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

ИШ ЎЛДА-ЖЎЛДА

Қурилишда иштирок этаётган коллективлар фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари ўтказилаётган область қурилиш штаби йиғилишларида ҳақиқий аҳвол чуқур таҳлил қилиниб, қолоқликни тугатиш юзасидан зарур чоралар белгиланаётганлиги катта роль ўйнамоқда. Бироқ шунга қарамай ҳамма коллективлар ҳам ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажараяптилар, деб бўлмайди. Бош пудратчига ёрдам бераётган корхона ва ташкилотлардаги ўзибўларчилик, топшириқ ижросига нисбатан масъулиятсизлик кайфиятлари содир бўлаётганлиги кишини ранжитади. Ўтган сакқиз ой мобайнида «Узбекшахтострой» трести пландаги 594 минг сўмлик ўрнига 563 минг сўмлик, «Узсантехгазмонтаж» трести 99 минг сўмлик ўрнига 86 минг сўмлик, «Узэлектромонтаж» трести 816 минг сўмлик ўрнига 664 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. «Средазтепломонтаж» трести планда белгиланган 833 минг сўмлик маблағнинг 289 минг сўмини, 93-ихтисослашган трест эса 1376 минг сўмлик маблағнинг 406 минг сўмини ўзлаштира олмади. Энг ачинарлиси, объектда ишлаётган 20 га яқин қурилиш ва монтаж ташкилотидан атиги 4 таси ўз сўзи устидан чиқа олди холос. Натижада объект бўйича 9 миллион 143 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, сакқиз ойлик план 85,9 процентда қолиб кетди.

ҲАМЖИҲАТЛИК ЕТИШМАГАЧ

Йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларнинг туб негизига назар ташланса, энг аввало, буюртмачи, бош пудратчи ва ёрдамчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик етишмаётганлиги яққол намоён бўлади. Чунончи, ишлаб чиқилган лойиҳа мукаммал даражада эмас. Чалкашликлар туфайли буюртмачи айрим лойиҳаларни қайта кўриб чиқиб, қурилиш ишларини бажариш юзасидан қўшимча равишда яна 500 минг сўмлик ҳажмдаги иш ҳажмини тақдим этишга ҳаракат қилмоқда. Оқибатда бош корпус ва машиналар залида бир неча кунлаб иш тўхтаб қоляпти, ортиқча сарф-харажатлар кўпайиб кетяпти. Жумладан, олдинги мўлжалга кўра бош корпусда иссиқликни сақловчи қувурларни бино томига қуришга тайёргарлик кўрилган бир вақтда уларни ичкаридан олиб ўтиш бўйича янги лойиҳа яратилди. Дастлабки лойиҳада пўлат қуймаларни қиздирадиган 2 та печ ўрнатилиши белгиланган эди. Кейинчалик эса ундан воз кечилиб, фақат битта печ қурилиши кифоя деган қарорга келинди. Ишлатилган сувни тозаловчи объект учун танланган майдон чўкадиган нобоп ер бўлиб чиққанлиги сабабли лойиҳа қайта ишлаб чиқилгунга қадар бир неча ҳафта давомида участкада иш тўхтаб қолди. Шунингдек буюртмачи пардозлаш цехи ва устахона пойдеворлари лойиҳасига ўзгартириш киритгани сабабли бош пудратчи бу қурилишни ўз вақтида фойдаланишга топшира олмади.

Объектда меҳнат қилаётган қурилиш ташкилотларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш ва уларга иш фронти яратишда ҳам палапартишлик рўй беряпти. Металлургия заводи маъмурияти томонидан бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги туфайли «Казмонтажавтоматика» ва «Ўзспецавтоматика» ташкилотлари сакқиз ойлик планнинг аранг 4,5—8,1 процентига миқдорида иш бажардилар. Шунингдек печнинг устки қисми, одимловчи ва доимий тўсинлар, насос станцияси, темирчилик цехи учун зарур жиҳозларни етказиб беришдаги масъулиятсизлик тўфайли ишчиларнинг қимматли вақтлари беҳуда тўмоқда. Ёрдамчи пудратчи ташкилотлардан ҳисобланган Тўйтепа металл конструкциялари заводи, «Главстройиндустрия»нинг 2-, 3-, 4-заводлари, «Узстальконструкция» трести ва Челябинск металлургия комбинати ҳам бу борада сусткашликка йўл қўймоқдалар.

МАНФААТДОРЛИК ИККИ ТОМОНЛАМА БЎЛСА

Табиийки, ҳалол меҳнат қилсанг-у, шунга яраша даромад олмасанг ёки меҳнатинг ўз вақтида маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмаса, бу адолатдан бўлмайди. Афсуски, объектда ишлаётган айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор бермаётирлар. Мазкур йилнинг дастлабки биринчи ярмида фақатгина «Узбекметаллургстрой» трести бўйича 54 киши ишдан бўшаб кетди. Улардан 15 таси меҳнат интизомини бузганлиги учун, қолганлари эса масофа узоқлиги, маошнинг камлиги, меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар натижасида бу ерда ишлашдан воз кечдилар. Оммавий-сиёсий, ташкилий ишларнинг сусайтириб юборилганлиги ва маданий тадбирларнинг кўнгилдагидек ўтказилмаётганлиги ўз ўрнида меҳнат унумдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Буни сакқиз ойлик якунига кўра унумдорлик киши бошига пландаги 4353 сўм ўрнига 3552 сўмга тушиб қолганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бу ўринда қурилиш ишларига етарли миқдорда ишчи кучи жалб қилинмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Малакали мутахассислар етишмаслигидан тоазалаш иншоотлари, иссиқликни сақлаш қурилмаси, совутиш станцияси ва электр қуввати ёрдамида пўлат эритиш комплекслари қурилишларида ҳамон қийинчилик вужудга келаяпти. Айни пайтда бу участкаларда «Средазтепломонтаж» трести бўйича 141 киши ўрнига 43 киши, «Узбекшахтострой»да 165 киши ўрнига 47 киши, 93-ихтисослашган трестда 216 киши ўрнига 124 киши, «Узэлектромонтаж» трестида 126 киши ўрнига 75 киши, «Узсантехгазмонтаж» трестида 27 киши ўрнига 12 киши ишлаяпти. «Узстальконструкция» трестининг Бекобод бошқармасида монтажчилар етишмаслиги туфайли бош корпусда бино пештоқлари, тўсинлар, фермаларни ўрнатиш ишлари чўзилиб кетиб, бошқа ташкилотларнинг меҳнат қилиши учун иш фронти вужудга келмаяпти.

Бригадалар ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш борасида ҳам етарлича қайғурилмаяпти. Шу асосда илғорлар тажрибасини оммалаштириш, мураббийчилик ҳаракатини кенгайтириш эътибордан четда қоляпти. Мазкур йилнинг иккинчи ва учинчи кварталида мусобақа якунлари бўйича биронта ҳам бригада биринчиликни эгаллай олмади.

МУАММО-МИ? ЙЎҚ, МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК!

Шу йилнинг биринчи кварталида «300» стан қурилишида 3 миллион 331 сўмлик иш бажарилиши лозим эди. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 2 миллион 541 минг сўмликдан ошмади. Мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари бунинг сабабини табиий шароитлар билан боғлашга ҳаракат қилишади. Тўғри, йил давомида ўртача 52 кун давом этувчи шамолнинг тезлиги секундига 20—25 метр, баъзан 35—40 метрга етиб, қурилишда бирмунча қийинчилик туғдиради. Февраль ойидаги қаттиқ шамол натижасида кўтариш кранлари тўхтаб қолди, 22 кун ичида атиги 6 иш куни бўлди. Бироқ бу қолоқликни оқлаш учун баҳона бўлолмайди. Чунки иш куни белгиланаётганда табиий қийинчиликлар ҳам аниқ ҳисобга олинганлиги барчага маълум.

Бизнингча, қурилиш билан алоқадор ташкилотлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашлари даркор. Етарли ишчи кучини вужудга келтириш лозим. Кадрлар қўнимсизлигига чек қўйиш учун биноқорларга қулай иш шароити яратиб бериш, дам олишларини, транспорт хизматини яхшилаш борасида ғамхўрликни янада кучайтириш керак. Бундан ташқари, қурилиш бригадалари ва ишчилари ўртасида социалистик мусобақанинг оммалигини таъминлаш, ишни икки-уч сменада ташкил этиш тадбирларини белгилаш фойдадан холи бўлмасди. Ана шундагина бажарилаётган иш сифати ва меҳнат унумдорлиги ошиб, станнинг биринчи навбати қурилиши тезлашиши учун қулай имконият яратилади. Бу шу кунниг энг масъулиятли талаби, долзарб вазифасидир.

А. ҲАЙДАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

ОЛМАЛИҚ шаҳар босмахонаси коллективи турдош корхоналарнинг республика социалистик мусобақасида муваффақиятли қатнашмоқда. Ишни пухта ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги машина-механизмларни жорий қилиш матбаачилар меҳнати натижасининг баракали бўлишига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам маҳсулот реализация қилиш давлат планлари муваффақиятли бажариляпти.

Коллектив ўн биринчи беш йиллик учинчи марказий йилининг биринчи ярмида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган эди. Корхонага Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ҳамда маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи берилган эди. Коллектив бу юксак тақдирга жавобан иш суръатини тобора тезлаштирмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойлик топшириғи муддатидан анча илгари адо этилди. Бунда тажрибали матбаачиларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти. Учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени қавалери, ҳарф терувчи С. Бадаева, саҳифаловчилар Е. Саричева ва Т. Алиевалар шулар жумласидандир. Улар шахсий йиллик планларини бажариш арафасида туришибди.

(Штатсиз мухбиримиздан).

СИФАТ БЕЛГИЛИ МАҲСУЛОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати ишчи-хизматчилари бу йил зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб меҳнат қилишяпти. Улар маҳсулот реализация қилиш давлат планини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча юзларча минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ҳақидаги ваъдаларини тўла-тўкис бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Шу сабабли ҳам меҳнатда қувончли натижаларни қўлга киритишяпти.

Металлургларга социалистик мусобақани авж олдириб, унинг янги формаларини жорий қилиш, илғор иш усулларини, айниқса, бригада пудратини қўлланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу йилнинг тўққиз ойлик маҳсулот реализация қилиш топшириғи муддатидан тўрт кун илгари бажарилди. Қўшимча буюртмачиларга кўплаб металл маҳсулотлари юборилди.

Коллектив маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида ҳам дуруст натижаларни қўлга киритмоқда. Мажбуриятнинг бу пункти бўйича белгиланган марра муваффақиятли эгалланмоқда. Ҳозирги вақтда маҳсулотнинг 27 тури Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти.

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛАВЕРАДИ

«ШУНИ ТЎҒРИДАН тўғри айтиш керакки, АҚШ каби мамлакатнинг раҳбарлари совет халқини қоралашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиб, оз бўлмаса чапанича сўкишгача етиб бориб, ахлоқ-одоб, инсонийлик хусусида риёкорона ваъзхонликлар қилаётганлиги хунук бир манзарадир».

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотидаги бу чуқур мазмунли сўзлар Америка империализмининг истак ва мақсадини равшан очиб беради. АҚШ маъмурияти ер юзида ўзининг империячилик мавқеини қарор топтириш йўлида ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай қабиҳ воситалардан жирканмаётир.

Ҳарбий қуролларнинг оммавий қирғин турлари ҳаддан зиёд тўпланиб қолган ҳозирги даврда ғоялар курашининг кескинлашуви шундан ҳам инсоният учун қимматга тушиши мумкин.

СССР ҳукумати ва совет халқининг асл мақсади, ғояси нималарга интилаётганлиги ҳаммага маълум. Биз учун энг муҳими — ер юзида мустаҳкам тинчлик, озод меҳнат, фаровон ҳаётдир. Шунинг учун ҳам халқ хўжалиги ишлаб чиқаришн ҳар томонлама ривожланиб боряпти. Жумладан, бизнинг хўжалигимиз ўтган йилги мавсумда пахтачилик бўйича 50 центнерлик маррани эгаллади. Биз доимо олға интилишга, излаш ва изланишга одатланганмиз. Пахтачилик соҳасида янада юксак марраларни эгаллашимизга қатъий ишонамиз.

Узоқни кўролмайдиган, калтабин сиёсатдонлардан иборат АҚШ маъмурияти учун дунё харитаси гўё унинг томорқа ери бўлиб қолган. Истаган бурчагига хоҳлаган экинини экиш ҳуқуқини даъво қиляпти. Даъво қилаяптигина эмас, бунга амалда интиляпти. Аммо, бизнинг халқимизда «Экканингни ўрасан» деган ибратли нақл бор. Ҳа, ўзининг чиқиндиларига ёпишиб олган Америка империализми вақти келиб, ўзи пиширган ошни ўзи ичишга мажбур бўлади, албатта. Бу — тарих қонуни. Тарих механизми шундай қурилганки, уни ҳеч қандай куч орқага қайтара олмайди. Адолат ёвузлик устидан доимо тантана қилиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади.

М. ПЎЛАТОВ,
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози раиси.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЖАВОБИМИЗ БЎЛАДИ

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг ҳар бир нутқи ҳаммамизда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, унинг яқинда эълон қилинган Баёноти катта эътиборга сазовор бўлди. Ю. В. Андропов ана шу Баёнотида АҚШ империалистик доираларининг тинчликка солаётган таҳдидларини кескин қоралади, уларнинг СССРга нисбатан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги барча ҳатти-ҳаракатлари хом хаёл эканлигини аниқ кўрсатиб берди.

Барча совет кишилари қатори бизнинг металлургларимиз ҳам бу Баёнот текстини зўр қониқиш билан қутиб олдилар ва қизиқиш билан ўрганиб, тўла қўллаб-қувватлаяптилар. Биз давлатимизнинг жаҳонда тинчликнинг барқарор қилиш йўлидаги барча ҳаракатларини тўла маъқуллаймиз. Мамлакатимиз куч-қудратини янада ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиламиз. Бутун кучимиз, ғайратимиз, тажриба ва маҳоратимизни сафарбар этиб ишлаймиз, она-Ватанимизни меҳнатда каттакатта зафарлар қучиш билан хушнуд этаверамиз.

Ф. МАХАМАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон қишин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати слесари, коммунистик меҳнат зарбдори.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БУДАПЕШТ

Венгрия пойтахтида социалистик мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи Фанлар академиялари намояндаларининг XIII кенгаши ўтмоқда.

Кенгаш иштирокчилари социалистик мамлакатлар олимларн кўп томонлама ҳамкорлигининг якунларини чиқарадилар, ижтимоий фанлар юзасидан, шунингдек ҳисоблаш ва информация техникасини ривожлантириш, шу соҳада Фанлар академияларининг биргаликдаги ишларини ташкил этиш тўғрисидаги докладларини тинглайдилар.

● СТОКГОЛЬМ

Швецияга келган Ғарбий Германия ГСДП раиси Вилли Брандт Европада ядровий қуролларни чеклаш тўғрисида Женевадаги музокараларни давом эттириш зарурлигини ёқлаб гапирди. У Стокгольмда ўтказилган матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядровий ракеталари декабрь ойининг охирида Европа қитъасида жойлаштирилмаслиги муҳим эканлигини уқтириб ўтди.

● ДЕҲЛИ

Оммавий ахборот воситаларини халққа хизмат қилдириш — Ҳиндистон матбуоти олдида турган вазифадир, Ҳиндистон президенти Зайл Сингх «Алоқа воситалари бугун ва эртага» мавзуида бу ерда бўлиб ўтган семинарда нутқ сўзлаб, ана шуни айтди. Давлат бошлиғи матбуот ва ҳозирги замон алоқа воситаларидан урушнинг олдини олишни ва тинчликни тарғиб қилиш мақсадидагина, Ҳиндистон миллий бирлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади. Тараққиёт йўлидан комил ишонч билан олға бораётган мамлакатнинг муваффақиятлари аҳоли кенг табақаларининг мулки бўлиши лозим, деб уқтирди у. Ҳиндистон матбуоти саҳифаларида зўравонлик, диний ва жамоа нифоқларн пропаганда қилинмаслиги керак.

ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 38-сессияси муҳокамасига киритилган ядровий уруш хавфини бартараф этиш ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган янги Совет ташаббуслари халқаро ҳамжамият доирасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Совет Иттифоқи томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига киритилган «Ядро урушини қоралаш» тўғрисидаги декларация лойиҳаси ҳамда «Ядро қуролини кўпайтирмаслик» резолюцияси лойиҳаси, бошқа совет таклифлари катта диққат-эътиборга моликдир, — деди ТАСС мухбирлари билан суҳбатда БМТ Бош секретари **Х. Перес де Куэльяр.** — Бу ҳужжатлар делегатлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Совет Иттифоқи таклифлари КПСС XXVI съездида қабул қилинган тинчлик программасини тўлдиради ва ривожлантиради, — деди ЧССР ташқи ишлар министри **Б. Хнеупек** Бош ассамблея сессиясининг минбаридан туриб. — Улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биргаликдаги позициясини ифода этади. Бу ҳақда Варшава шартномасига аъзо бўлган давлатларнинг Сиёсий декларациясида ҳам баён этилган эди. Бу декларация шу йил январь ойида Прагада маъқулланган эди.

Польша Бирлашган Ишчилар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри **С. Ольшовский** совет таклифларини амалга ошириш ядро урушини бартараф этиш йўлида конкрет қадам бўлишини уқтирди.

Куба ташқи ишлар министри **И. Мальмиерка** Совет Иттифоқининг тинчликсевар таклифларига жавоб беришдан бош тортаётган АҚШ позициясини қатъий қоралади. Социалистик мамлакатлар тинчликка бўлган интилишларини яққол намойиш этиб, янги-янги таклифларни олға сураётган, қуролсизланиш бўйича бир тарафлама чора кўраётган бир пайтда, — деди у, — АҚШ қуруқ гапдан нарига ўтмай ўз милитаристик тайёргарликларини давом эттирмоқда.

Бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган янги, муҳим совет таклифларини чуқур мамнуният билан қарши олдик, — деди ТАСС мухбирлари билан суҳбатда Никарагуанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили **Ф. Чаморро Мора.**

Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри **Пхун Сипасет** «Космос фазода ва космосдан ерга нисбатан куч ишлатишни таъқиқлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида»ги совет таклифига юқори баҳо берди.

Яман Халқ Демократик Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили **А. С. Ал-Аштал** совет делегациясининг БМТ Бош ассамблеясининг 38-сессиясидаги нутқини чуқур асосланган, давлат масъулияти билан суғорилган деб таъкидлади. СССР ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро хавфсизлик, қуролсизланиш ишига садоқатини яна бир марта намойиш қилди.

Совет Иттифоқи тинчликдан жуда манфаатдор эканлигини яна бир марта кўрсатди, — деб таъкидлади Жазоирнинг БМТдаги доимий вакили **Х. М. Сахнун.** — Халқаро ҳамжамият ядро қуролини кўпайтирмаслик ғоясини табриклайди.

(ТАСС).



● ЧССР. Адамовадаги «Адаст» машинасозлик комбинатида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган барча қардош мамлакатлар учун офсет босма машиналари ишлаб чиқарилади.

Суратда: комбинат цехларидан бирида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН


МЕХИКО. Сантьягодан олинган хабарларга кўра, полиция отрядлари студент ва мактаб ўқувчиларининг Чили пойтахтида бўлиб ўтган 15 минг кишилик тинч намойишини қувғин қилди. Намойиш қатнашчилари «Пиночет режими йўқолсин!», «Демократик эркинликлар тикланишини талаб қиламиз!» шиорларини айтиб марказий майдонга яқинлашганларида полициячилар намойишчиларга қарши турли қуроллардан фойдаландилар.

ТОКИО. АҚШ Тинч океан флотининг қўмондони адмирал С. Фоли Япониядан Пентагон учун янги аэродромлар ажратиб беришни талаб қилди. Бу аэродромлардан Америка ҳарбийлари машқлар ўтказиш пайтида фойдаланишни мўлжалламоқдалар. Токио Пентагон талабларини бажариш учун шошилинч равишда япон оролларида АҚШ авиацияси учун жой изламоқда.

● **АДДИС-АБЕБА. Қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш банки кейинги йилларда Эфиопиянинг Кэфа вилоятидаги кооператив хўжаликларга имтиёзли тарзда 20 миллион бирдан кўпроқ кредит ва қарз берди. Ана шу ажратилган маблағларга кооперативлар қишлоқ хўжалик машина-механизмлари ва ускуналар харид қилмоқдалар, омборхоналар қурмоқдалар, кофезорлар учун бўз ерларнинг катта-катта майдонларини ўзлаштирмоқдалар. Бу кооперативлар асосан кофе етиштириш ва уни бирламчи ишлаш билан шуғулланмоқдалар. Ана шу ўзлаштирилган ерларга бу экиннинг янги, серҳосил ва касалликларга чидамли бўлган турлари ўтказилмоқда. Кофе Эфиопия экспортининг асосий экинидир.**

САН-ХОСЕ. Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти Сальвадордаги қўғирчоқ режим қўшинларига қарши қатъий зарбалар бермоқда. Фронт отрядлари шу ҳафтада яна бешта йирик аҳоли пунктини озод қилдилар.

(ТАСС).



● **Америка Қўшма Штатлари Ливан ишларига ҳарбий аралашув кўламини кенгайтириш йўлида яна бир қадам қўйди. Ливанда жойлашган Америка ҳарбий контингенти Байрутдаги ва унинг ташқарисидаги турли объектларни бомбардимон қилишда кемалардаги самолётлардан фойдаланиш учун Оқ уйнинг рухсатини олди.**

Суратда: Ливан соҳили яқинида турган «Тарава» ҳарбий кемасига «Харриер» қирувчи самолёти қўнмоқда.

АП—ТАСС телефотоси.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

10 ОКТЯБРЬ—16 ОКТЯБРЬ

10 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.20 — «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 11.20— «Биринчи тоғлар». Бадий фильм. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — «М. Е. Салтиков-Шчедрин театри». 1-кўрсатув. 17.05 — «Бил ва уддала». 17.50 — «Онамларнинг мактаби». 18.20 — Концерт. 19.00 — «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 19.35 —«Футбол шарҳи». 20.05 — Телеспектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 —«Қўшиқлардан рақсларга».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 — Рус тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.40—Ботаника. 11.55 —Фан ва турмуш. 12.25 — Илмий-оммабоп фильм. 13.00 — Телеочерк. 13.30 — А. С. Пушкин. «Кароматли Олег ҳақида қўшиқ». 14.00 — «Сен қонунни биласанми?» 14.45 — И. Гайдн ижоди. 15.30 — М. Горький. «Илк ҳикоялар». 16.20 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.10 — «Салом доктор». Бадий фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

УзТВ I. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «Бурчга садоқат». 19.30 —«Ахборот». 19.45 — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида». 20.15—Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Музикашуносларнинг II-халқаро симпозиуми. 21.30— «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?» 22.20 — Х. Ҳ. Ниёзий. «Бой ила ҳизматчи». 00.10 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00—16.25 — МТ II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Ўқитувчи экрани». 19.10 — «Учрашувлар». Бадий фильм. 1-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — «Эртага — премьера». 21.30 — МТ II.

11 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40— Мультфильмлар. 10.20 — Телевизион спектакль. 11.40 —Ҳужжатли фильм. 12.05 — «Қўшиқ ҳамиша халқ билан». 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «М. Е. Салтиков-Шчедрин театри». 2-кўрсатув. 16.30 — «Спорт ҳафталиги». 17.00 — «Буюк почин». 17.30 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.00 — «Ёшлар адреслари». 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Инсон ва қонун». 20.00 — Фортепьяно концерти. 20.10 — «Куролсизланиш — давримизнинг энг муҳим вазифаси». 20.25— «Ярқираб, чақнаб ён». Бадий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ярқираб, чақнаб ён». Бадий фильм 2-серия. 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.30 — «Оқшом тароналари».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.40 — Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10—География. 14.10 — Тарих саҳифалари. 14.40 — Илмий-оммабоп фильм. 15.00 — «Менга таянч нуқтасини беринг». 15.30 — А. С. Грибоедов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 19.30 — Концерт. 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Шоир Антал Гидаш». 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

УзТВ I. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Бирга бўлсак ҳаммамиз». 19.00 — «Ҳалқ истеъмоли молларига —юқори сифат». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Рассом Чингиз Аҳмаров». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Музикашуносларнинг II-халқаро симпозиуми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — «19-лар комитети». Бадий фильм. 1-серия. 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00—16.25 МТ II. 18.10 — Телевизион спектакль. 18.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 19.25 — «Пойтахт область далаларида». 19.55 — Янгиликлар. 20.15 — «Учрашувлар». Бадий фильм. 2-серия.

12 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40— «Саёҳатчилар клуби». 10.40 — «Ярқираб, чақнаб ён». Телевизион бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». 15.50 — Мутахассисларга обуна бўйича тарқатиладиган адабиётлар. 15.55 — «Одамлар раҳмат дейишмоқда». 16.30 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — Музикали театр. 17.45 «Стадион ҳамма учун». 18.15 — «Концерт». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 19.50 — «Шаҳар орқали саёҳат». Телевизион бадий фильм. 20.40 — «Театр — менинг уйим». 21.30 —«Время». 22.00 — Футбол бўйича Олимпия турнирининг саралаш матчи. СССР—Болгария. 23.45 — «Агар соғлом бўлай десанг».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.40 — Немис тили. 11.05—А. Прокофьев поэзияси. 11.35 ва 12.40 — Умумий биология. 12.05 — «Отаоналар, Сизлар учун». 13.10— Физика. 14.10 — Илмий-оммабоп фильм. 14.30 — А. С. Макаренко — педагог, ёзувчи, гражданин. 15.20 — «Қишлоқ янгиликлари». 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 —«Сиз яратган боғ». 19.15 — Концерт. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00—«Олеся». Бадий фильм. 23.20 — «Дзюдочилар стартларга тайёрланмоқдалар».

УзТВ I. 11.30 — Телефильм. 12.00 — Концерт. 12.30 — Химия. 13.00 — «19-лар комитети». Бадий фильм. 1-серия. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — «Бугун ва эртага» газетаси саҳифаларида». 19.15 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Бизнинг иқтисодий шарҳ». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Музикашуносларнинг II-Халқаро симпозиуми. 21.30 — «Время». 22.00 — «Бугун оламда нима гап?» 22.15 «19-лар комитети». Бадий фильм. 2-серия. 23.25 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00—16.25 —МТ II. 18.15 — Ўқитувчи экрани. 18.45 — Телеспектакль. 19.30 —«Беш йиллик ишлари ва кишилари». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Учрашувлар». Телевизион бадий фильм. 3-серия. 21.30 — МТ II.

13 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм премьераси. 10.40 — «Комиссар ҳақида баллада». Бадий фильм. 11.45 — Концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 —Илмий-оммабоп фильмлар. 15.55 — Фортепьяно концерти. 16.40 — П. Тичина лирикаси. 17.15 — Концерт. 18.00 — «Шахмат мактаби». 18.30 — «Расмларда қуёш акси бор». 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00 — «Экранда — кинокомедия». 21.30 —«Время». 22.05 — «Томошабинга йўл». 23.25— «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — М. Ю. Лермонтов. 10.05 ва 13.25 — Испан тили. 11.05 — Физика ва илмий-техника революцияси. 11.35 ва 12.35 — И. С. Тургенев «Оталар ва болалар». 12.05 — География. 13.05 — Табиатшунослик. 13.55 — Н. Думбадзе. «Асарлари саҳифаларида». 14.55 — «Ванюшин болалари». Бадий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 —Ҳужжатли фильм. 19.30 — Концерт. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Камалак». 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.30—Время. 22.00 — «Ягона эркак». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-серия.

УзТВ I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — «Ўйлаб топ». 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — «Ҳимоя учун сўз». Бадий фильм. 18.00 — Мультпанорама. 18.45 — «Ёшлик» журнали — бизнинг меҳмонимиз. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қалб амри билан». 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 —«Время». 22.00 — Дунё воқеалари. 22.30 — «Совет Ўзбекистони композиторлари». 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ II. 9.00—16.30 — МТ II. 18.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.50 — Телефильм. 19.20 — «Қиш шаҳар хўжалиги учун масъулиятли давр». 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — «Учрашувлар». Кўп серияли телевизион бадий фильм. «Уйга йўл». 5-серия. 21.30 — МТ II.

14 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт залида мактаб ўқувчилари. 10.25 — Ҳужжатли фильм. 10.55 — Бадий фильм. 12.25—Концерт. 12.45 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20—Ҳужжатли фильм. 15.40 — Рус тили. 16.10 — «Подмосковье қишлоқларининг бугунги ва эртаги куни». 16.45 — Концерт. 17.25 —Ҳужжатли фильм. 18.15 — Концерт. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.45 — «Эзоп». Г. Фигейредонинг «Тулки ва узум» пьесаси асосида. 21.30— «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Жальгирис». 22.45 — Дунё воқеалари. 23.45 —«Агар соғлом бўлай десанг».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — А. С. Пушкин эртаклари. 10.05 ва 13.35 — Инглиз тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.35 — Тарих. 12.05 — «Онамларнинг мактаби». 13.05 — Умумий биология. 14.05 — Тарих. 14.30 — «Монументал пропагандининг ленинча плани». 14.55 — Ж. Верн. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.40 — Тинчлик дарси. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Саёҳатчилар клуби». 19.50 — Дзюдо курашн бўйича жаҳон чемпионати. 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 —«Ҳаста қилишга ҳаққинг йўқ». Бадий фильм.

УзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10—«Буратино саргузашти». «Братислава музикали тантаналари». 13.45 — «Украина ўйинкулги кечалари». Фильм-спектакль. 15.35 — Концерт. 16.05 — «Сиз бунга қодирсиз». 17.00 — «Музикали киоск». 17.30 — Ҳужжатли фильм. 17.55 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Фильм-балет. 20.15 — Халқаро обзор. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Днепр». 23.45 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Крылья Советов».

УзТВ II. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Буратино саргузашти». Телевизион бадий фильм 1-серия. 11.15 — «Шахмат мактаби». 11.45 — «Эврика». Кинокўрсатув. 12.30 — «Юлдузча». 13.00 — Телевизион миниатюралар театри. 13.45 — «Замандас». 17.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—«Торпедо» (Москва). 18.45 — Мультфильм. 18.55 — «Тенгдош». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ҳалқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли». 20.30 —«Ахборот» 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — Телевидение экранида биринчи марта. «Акс таъсир». Бадий фильм. 24.00 —Кўрсатувлар программаси.

15 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40— «Оддий мўъжизалар». 10.10— «Спортлото»нинг 42 тиражи. 10.20—Поэзия. 11.00—Концерт. 11.20 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.50—Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.20—Дзюдо бўйича жаҳон чемпионати. 12.40— Илмий-оммабоп фильм. 13.00— «Қалбга яқин қўшиқлар». 13.50 — Ҳужжатли фильм. 14.45 — Тележурнал. 15.15 — «Дунё воқеалари. 15.35 — Болалар учун фильм. 16.40 — «Камалак». 17.05 — Сиёсий шарҳловчи В. Бекетов суҳбати. 17.35 — Концерт. 18.50 — Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 19.20 — «Ҳайвонот оламида». 20.20 — «Қанотлар ҳақида поэма». Бадий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 —«Қанотлар ҳақида поэма». Бадий фильм. 2-серия. 23.30 — Концерт. 24.00 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Ҳужжатли фильм. 10.10—«Тонги почта». 10.30 — «Олам кинокамера кўзгусида». 11.50 — Перм телевидение студиясининг программаси. 12.50 — Адабий кўрсатув. 20.25 — Манзарали фильм. 20.30 —«Ахборот». 20.50 — Музикашуносларнинг II Халқаро симпозиумининг ёпилиши. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — Театр гастроллари.

УзТВ II. 9.00—16.30 — МТ II. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — «Мовий осмон узра». Телевизион бадий фильм. 19.15 — Реклама. 19.35 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Киножурнал. 20.40 — «Учрашувлар». Бадий фильм. 4-серия. 21. 30 — МТ II.

16 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40— Ҳужжатли фильм. 10.15 —«Будильник». 10.45 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.45 — «Здоровье». 12.30 — Дзюдо курашн бўйича жаҳон чемпионати. 13.00 — «Тонги почта». 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — «Музикали киоск». 15.00 — «Бугун Озиқ-овқат саноати ходимлари куни». 15.45 — Концерт. 16.30 — «Саёҳатчилар клуби». 17.30 — «Сўз ва иш бирлиги». 18.30 — Мультфильм. 18.55 — Халқаро панорама. 19.40 — Фильм-спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 22.35 —Ҳужжатли фильм. 22.55 — Хоккей. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). 23.55 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг». 9.15 — Концерт. 9.45 — А. Толстой. «Рус характери». 10.10 — Мультфильм. 10.25 — Ҳужжатли фильмлар. 11.00 — «Братислава музикали тантаналари». 12.00 — «Акс таъсир». 12.50 — «Мўъжизасиз —мўъжизалар». 13.50 — Халқаро конкурс лауреати О. Шаров чалади. 14.10 — Мардлик қонунига биноан. 14.40 —Усимликлар оламида. 15.25 —«Лўли». 4 серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 16.45 — Цирк майдонида. 17.20 —Ҳужжатли фильм премьераси. 17.30 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» — МАСК. 20.15 — Фильм-концерт. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 —«Ҳаста қилишга ҳаққинг йўқ». Бадий фильм.

УзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10—«Буратино саргузашти». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 11.20 — «Ўзбекистон спорти». 11.50 — Мультфильм. 12.00 — «Кувноқ стартлар». 13.05 — «До-ре-ми-фа-соль». 13.35 — «Истеъдод ҳақида суҳбат». 14.20 — Реклама. 18.05— Мультфильм. 18.30 — «Бойчечак». 19.00 — «Бугун —Озиқ-овқат саноати ходимлари куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Оқшом тароналари». 21.30 — «Время». 22.05 — «Санъат усталари — ҳосил усталарига».

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯНГИЙЎЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

● Шаҳардаги пойабзал фабрикасининг ишчи-хизматчилари бир иш кунидан тушган маблағни тинчлик фондига ўтказишга одатланишган.

Яқинда пойабзалчилар яна бир Тинчлик вахтасини ўтказдилар ва 3204 сўмлик иш ҳақи Тинчлик фондига топширилди.

ЙЎЛЛАНМА БИЛАН


● Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати, «Янгиюльторг» «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмаси, шаҳар марказий кутубхонаси ходимларидан 30 нафар пешқадам ишчи Тирасполь — Кишинев—Одесса маршрутлари бўйлаб туристик сафардан қайтишди. Ўн кун мобайнида саёҳатчилар бу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Умуман, бу йил 400 га яқин янгийўллик шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюроси йўлланмаси билан турли маршрутлар бўйича сафарда бўлди.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

ҚЎЧМА УСТАХОНАЛАР

● Ҳар йили далаларда жўшқин меҳнат бошланиши билан Янгийўл шаҳар меҳнаткашлари ҳам қишлоқ хўжалиқ ходимларига кўмакка отланадилар.

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларининг коллективлари 20 та қўчма устахона жиҳозлаб, район хўжаликларига юбордилар. Бу устахоналар йиғим-терим мавсуми давомида техника ремонтида пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатади.



ЎЛКАМИЗДА ОЛТИН КЎЗ. В. Портнов фотоэтюди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Сирдарьяводстрой» трестига қарашли Сирдарё механизациялашган кўчма колоннасининг механизаторлари экскаватор машинисти Мамед Муродосиловни меҳнат ғалабаси билан қутладилар: у беш йиллиқ планни бажарди.

Мамед Муродосилов механизациялашган колоннада беш йил ичида икки беш йиллиқ топшириқни бажариш мажбуриятини олган олти механизатордан биридир. Илғор экскаваторчи иш вақтидан самарали фойдаланмоқда, унинг машинаси бекор туриб қолмайди.

ШАХСИЙ КУТУБХОНАДАН ҲАММА БАҲРАМАНД

Андижон область Олтинкўл районининг китобхонлари 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Комилахон Йўлдошеванинг уйини район марказий кутубхонасининг филиали деб аташади. Унинг хоналаридаги жовонларда икки минг том китоб бор. Бу ерда классикларнинг, ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари, кўп йиллик журналлар ва газеталарнинг тўпламлари сақланмоқда.

ҲАВАСКОР РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Фарғона область кутубхонасининг санъат залида элликта полотно ва акварель расмлар жойлашган. Буларнинг ҳаммасини ҳаваскор рассом В. Бизяев чизган. Маҳаллий бадиий ишлаб чиқариш устахоналарининг ходими бўлган ҳаваскор рассом бўш вақтини ижодга бағишлайди. Экспозицияга қўйилган асарларнинг кўпчилиги Фарғона область меҳнаткашларининг шонли ишлари тўғрисида ҳикоя қилади.

МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ — АСАРЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ

Зарафшондаги «Олтин водий» маданият саройида бўлиб ўтган адабий кеча дастлабки чўлқуварларга, Қизилқумни ўзлаштирувчиларга бағишланди. Бу ерда чўл ўлкасининг қиёфасини ўзгартираётган кишиларнинг машаққатли меҳнатини тараннум этувчи шеърлар янгради. Шеърларни уларнинг муаллифлари — шаҳардаги «Источник» (Чашма) адабий бирлашмасининг аъзолари, жумладан парма-ловчилар бригадири Н. Смирнов, электр монтёр В. Буслаев, шофёр С. Дегтярев ўқиб бердилар. Горький номли адабиёт институтини битириб чиққан В. Суспицин шу адабий бирлашмага раҳбарлик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ

ЯПОНИЯ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Япония амалий санъати кўргазмаси ташкил қилинди. Залларда япон халқ усталари қўлларида сайқал топган —халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўғирчоқлар, кўзни қамаштирувчи матолардан тикилган аёллар миллий кийимлари, рўзғор буюмлари, сунъий турли хил япон гуллари, лак бўёқларда акс этган гўзал аёлларнинг портретлари намойиш этилган.

Тасвирлардан бирида икки аёл ўғирда галма-галдан талқон туймоқда. Яна бир кўғирчоқлар тимсолида аёлларнинг қурт тайёрлаши тасвирланган. Хуллас ҳар бир кўғирчоқда турлича қиёфа, халқнинг шу кунги ва ўтмишдаги ҳаёти ўз ифодасини топган. «Мусиқа чалаётган аёл», «Балоғатга етган қиз», «Бозорга бораётган киши», «Саёҳатчи бола» каби кўғирчоқлардаги жонли ҳаёт тасвирлари киши эътиборини ўзига тортади.

Музейнинг хорижий Шарқ санъати бўлимидан Япония санъати асарлари ҳам муносиб ўрин олган. Тошкентлик томошабинлар Япониядан кўргазмага келтирилган экспонатларни қизиқиб томоша қилмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

КЎҲНА КАСБ ЭГАЛАРИ

ОНА ТУПРОҚ БАҒРИДАН ЗУВАЛАСИ...

Ўзбек халқ амалий санъатининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кулолчилик ҳунари ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар яратилган. Айтишларича, машҳур кулоллар ўз маҳоратларининг сир-асрорини фақатгина ана шу касбга меҳр-муҳаббатли шогирдларигагина ўргатиб, мерос қилиб қолдирар эканлар. Ўзбекистон халқ рассоми, Ҳамза мукофотининг лауреати Муҳид Раҳимов ана шундай уста кулоллардан бири. Унинг қўлида сайқал топаётган такрорланмас шакл ва нақшли кулолчилик буюмлари ҳозир ҳам барчани ром қилиб келяпти.

Бундан бир неча йил аввал Тошкентда очилган кўргазмада «Чўл қуши» деб номланган 20 буюмдан иборат ўзбек таомлари учун тайёрланган сервиз эътиборимни ўзига тортган эди. Мўъжазгина лаганнинг четига «А. Р.» деб имзо қўйилган. Бу имзо биз сизга ҳикоя қилган кулол Муҳид Раҳимовнинг ўғли Акбар Раҳимовга тегишли экан. Биз ёш, аммо катта маҳорат эгаси Акбар билан яқиндан танишиш мақсадида унинг устахонасига йўл олдик. Устахона Оқлон маҳалласидаги Рязанская кўчасига жойлашган экан.

— Отамиз уста кулоллар, — деди Акбар. — Ҳамма ҳайратланадиган кўзалар, лаганлар, пиёла ва косалар ясайдилар. Балким мендаги шу касбга ҳавас ҳам отамнинг маҳорати туфайли бўлса керак. Эсимда, жуда ёш лигимданоқ улар мени ўзлари билан олиб юрардилар. Ҳозир ҳам, касбларининг сир-асрорларини эринмай ўргатадилар.

Акбар ўрта мактабни тугатгач Тошкент театр-рассомчилик институтида таълим олди. Ҳозир у СССР Рассомлар союзининг аъзоси. Республика бадиий фондининг Тошкент экспериментал-ижодий комбинатида меҳнат қиляпти, изланяпти.

Акбарнинг ижодини кузатиб бораётган мутахассисларнинг фикрича у халқ амалий санъатидан бизга мерос бўлиб қоган, айни пайтда йўқолиб кетаётган шаклларни қайта тиклаяпти, такомиллаштиряпти. Шунингдек катта маҳорат, изланиш билан замонавий усталарнинг ижодий салоҳиятини ошираяпти.

Тошкентдаги пионерлар саройлари, Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторийсида бунёд этилган бадиий жиҳатдан мукаммал паннолар фикримизнинг далилидир.

О. АПУХТИН.


Реклама ва эълонлар

СИЗ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ҚАНДАЙ САРФЛАЙСИЗ?

Электр қувватини тежаш реклама мавсумининг қаҳрамони — ажойиб «киловаттик» одамча газета саҳифаларидан газетхонларга қарата ана шундай савол билан бир неча бор мурожаат этди. Ў бугун ҳам сизларга электр қувватидан фойдаланиш бўйича зарур қоидаларни яна бир бор эслатиб ўтиш ниятида.

БУ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ ЖУДА ҲАМ ОДДИЙДИР.

АГАРДА СИЗ УЙДА БЎЛСАНГИЗ...



хонадан чиқиб кетаётганингизда телевизор, радиоприёмник, электр иситиш асбобларини ўчириб кетишни унутманг.

Куппа-кундуз куни подъездда, зинапоя, даҳлизда, сиз яшаб турган хонадонингиз ҳовлисида ёниб турган электр лампочкасини ўчириб кетишга эринманг.

ЭЛЕКТР ЛАМПОЧКАЛАРИ, ҚАНДИЛЛАР, ПЛАФОНЛАР, ДЕРАЗА ОЙНАЛАРИ ҲАМИША ЧАРАҚЛАБ, ОРАСТА БЎЛИБ ТУРИШИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ.

Ишлаб чиқаришда электр қувватини тежашнинг резервларини қидириб топишга ҳаракат қилинг;

Ускуналарнинг созлиги тўғрисида қайғуринг;

Пайвандловчи трансформаторлар ва электр двигателли станокларнинг бекордан бекорга ишлаб туришига йўл қўймасликка ҳаракат қилинг;

эритиш печларининг босимини бир меъёрда аниқлашга ҳаракат қилинг.

УНУТМАНГ, ЭНГ КИЧКИНА ЖОЙДА ҲАМ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ САРФЛАШ КАТТА НАТИЖАЛАР БЕРАДИ!

Агарда сизда корхонангизда электр қувватини тежаш бўйича таклиф ва мулоҳазаларингиз бўлса, ушбу адресга ёзиб юборинг: Тошкент шаҳри, Большевик кўчаси, 6-а уй, Ўзбекистон реклама агентлиги.

УЗЭНЕРГОНАДЗОР».

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИНИНГ СОНИ ИККИ МИЛЛИОН КИШИГА ЯҚИНЛАШИБ БОРМОҚДА. МИНГЛАБ ҲАВАСКОРЛАР КЎЧАЛАРДАН ЗИЧ ВА ҚУДРАТЛИ ОҚИМДА ЭРТАЮ-КЕЧ МАШИНАЛАРИНИ ЕЛДИРИБ ЮРИШМОҚДА.

Автомобилни бошқаришнинг уддасидан чиқадиган эгаси беихтиёр машаққатларга дуч келиб қолиши, ўз-ўзидан маълум; двигатель ўчиб қолади, автомобилнинг ишлаб турган қисми синади ёки ишдан чиққан бўлади.

Бундай пайтда яна бир машаққат кўндаланг бўлиб туради. Автомобилни йўлнинг қоқ ўртасидан қандай қилиб жилдириш ва уни ремонт қилинадиган жойга етказиб олиб бориш муаммоси ҳаммани қизиқтириши турган гап.

Автомобилга техника хизмати кўрсатиш устахонаси ходимлари бу ишда яқиндан ёрдам берадилар.

ҲУРМАТЛИ АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИ!

«Ташкентгортрансэкспедиция» бирлашмаси авария бўлган ва техникавий жиҳатдан носоз бўлган автомобилларни уйга ёки техника хизмати кўрсатиш станцияларига етказиб бериш учун ихтисослаштирилган транспорт ва тележкаларни таклиф қилади.

Қуйидаги телефонлар орқали буюртма бериш мумкин: 96-19-72, 96-19-32 ёки ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Аэродромная кўчаси, 5-уй.

«ТАШКЕНТГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» бирлашмасининг хизматидан фойдаланингиз!

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1984 йил учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

1 НОЯБРДА

ТУГАЙДИ

РЕСПУБЛИКАДА ВА ОБЛАСТЛАРДА ЭСА

15 ОКТЯБРДА

ТЎХТАТИЛАДИ

Обунани расмийлаштириш учун **«СОЮЗПЕЧАТЬ»** агентликларига ёки шаҳар алоқа бўлимларига мурожаат қилинг.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9ЙХ да Кўзнинг биринчи куни, 11ЙХ да Абу Али ибн Сино, 12ЙХ да Юран операцияси.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9ЙХ да Тошкентликлар, 10ЙХ да Ёшликда берган нўнгил, 12ЙХ да Занжир.

НОН — ИМОН

мақоласи газетхонлар муҳокамасида

ОДАМЛАРНИНГ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

ЁЗУВЧИ Ўткир Ҳошимовнинг газетамизнинг шу йил 1 июль сонида босилган «Нон — имон» сарлавҳали мақоласи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мақола муҳокамаси юзасидан редакциямизга 50 дан ортиқ хат-хабар келди. Уларнинг муаллифлари турли ёшдаги ва турли касбдаги одамлар: мактаб ўқувчисидан тортиб пенсионер чол ва кампирлар, меҳнат ветеранларигача қўлига қалам тутиб ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор этганлар. Ана шу хатларнинг кўпчилик қисми газетада эълон қилиб борилди. Уларда билдирилган истаклар ва таклифлар тегишли ташкилотлар эътиборига ҳавола қилинди.

Редакцияга бу мақола ва унинг муҳокамаси бўйича эълон қилинган бошқа материаллар юзасидан ҳам ҳанузгача хат-хабарлар келиб турипти. Тошкент район раёиси редактори **Т. Исломбоева** бозорлардаги нон сотувчиларнинг ташқи кўринишлари ва эстетик тарбиясига эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди. Муаллиф эски шаҳар бозорида бир йигит битта патирни 70 тийиндан сотаётганига эътироз билдирган нуроний бир кишини қаттиқ ҳақорат қилганидан куюниб ёзади. **Мана шундай «новвой»ларни тартибга чақириб қўйиш зарурлигини, улар ўзи хоҳлаганча нарх қўйишларига чек қўйиш вақти келганлигини, умуман бозордаги шахсий нонвойлар албатта оқ халатда бўлишлари кераклигини таклиф қилади.**

Янгиобод шаҳридаги Ю. Гагарин номли 7-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Зубайда Қўчқорова эса ўз мактубини шоир Ғозийнинг қуйидаги сатрлари билан бошлабди:

То муяссардур жаҳонда
парча нон, бир коса сув,
Тенгламас Ғозий бу
давлатни Сулаймонлиг
илан.

Дарҳақиқат, шоирнинг сатрлари нонинг нақадар улуғлигини, унинг ўрнини ҳеч қандай давлат — молмулк боса олмаслигини образли ифода қилган.

Тошкент шаҳридаги Хуршид кўчасида истиқомат қилувчи **Абдулҳақ Собиржонов** — «Нон—имон» мақоласини ўқиб, ниҳоятда ҳаяжонланганини, уруш йилларида нон дўкони олдида тундан тонгга қадар навбат қолган ярим буханка нонни очиқ деразадан улоқтириб юборишди ва ярим шиша ароқни газетага ўраб, чемоданга солишди. Наҳотки шундай улуғ касб эгалари нон қадрини ароқ қадридан паст қўйишса?».

Р. Жўраевнинг куюнишида жон бор, албатта. Орамизда, ёзувчи «Нон—имон» мақоласида ҳам айтганидек, нон арзонлиги учун уни хор қилаётган, нонни фақат унинг тийин нархи билан баҳолайдиган ношукур кимсалар ҳам йўқ эмас.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси **Ўташбой Анорқулов** ўз хатини мақола муаллифи Ўткир Ҳошимовга мурожаат билан якунлайди: «Ўткиржон ука, газетада нон тўғрисидаги шунақа мақолаларни тез-тез ёзиб турсангиз ва телевизордаги «Баҳс» кўрсатувларингизда ҳам бу мавзуга қайтиб турсангиз. Шунда орамиздаги айрим нонтепки одамларнинг кўзи очилади, деган умиддаман. Мен сакиз ёшимда бир кунда бир бурда нон топиш учун ҳўкиз судрайдиган омочни кўтара олмай хўжайиндан тепки еганларим сира эсимдан чиқмайди. Сиз ёзган «Ишониш қийин бўлган воқеа» бутун вужудимни зирқиратиб юборди, уша шимининг қирраси чиқариб дазмолланган олифта киши ва балкондан қичқирган кўкракдор аёлга нафратим кўзиб кетди...».

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси **Раиса Иброҳимова** шундай ёзади: фабрикага янги ишга кирган пайтимда цехимизда йиғилиш бўлди. Цех бошлиғи Арабистон бўйлаб қилган саёҳатининг таассуротларини гапириб, бир бурда нон учун тиланчилик қилаётган болалар, бир бурда нон учун ўзларини қул қилиб сотаётган одамларни кўрганлигини кўзларида ёш билан ҳикоя қилди. Қизиқ, ўша куни автобусда кетаётсам ўртадаги ўриндиқда ўтирган бир аёлнинг боласи қўлидаги нонни туширib юборди. Аёл уни олар, деб ўйлаган эдим. Лекин у нонни оёғи билан тепиб, олдидаги ўриндиқнинг тагига киритиб қўйди. Менимча, ёшлардан нолийдиган, уларга бўлар-бўлмас айбларни тақайверадиган одамларнинг биттаси мана шу аёл бўлса керак.

«Нон — имон» мақоласига ўз муносабатини билдирган бўкалик **Х. Асроқулов**, шу райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси **Раҳим Бозорбоев**, Калинин районидаги «Москва» совхозининг ишчиси **Исмоил Қосимов**, Тошкент районидаги Киров номли 1-ўрта мактаб ўқувчиси **Гулчеҳра Шерматова**, Тошкент шаҳридаги 13-ўрта мактабнинг ўқувчиси **Дилором Қосимова**, Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз ишчиси **Хайри Тўраева**, Пискент районидаги Муротали қишлоғидан **Муҳаммаджон Отабоев**, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз партия ташкилотининг секретари **Собир Айтубоевлар** ҳам қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдиришган.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ва Ойбек номли мукофот лауреати Ўткир Ҳошимовнинг «Нон —имон» мақоласи муҳокамасида иштирок этган барча газетхонларимизга ташаккур изҳор этамиз.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ почтасидан

«САРИҚ»НИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Медицинада жиддий муаммо бўлиб турган оғир касалликлардан бири вирусли гепатитдир. Қайси турда кечишидан қатъий назар, касалликнинг асосий аломати кўз оқи ва тери сарғайиши ҳисобланади. Шу боисдан халқ ибораси билан «сариқ» деб юритилади.

Касаллик қўзғатувчилари ғоят майда, кўз илғамас вируслардир. Вируслар электрон микроскоп ёрдамида 70—80 минг марта катта қилиб текширилгандагина кўзга ташланади. Уларнинг ўзига хос хусусияти шуки, ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли, чунончи ярим соат мобайнида қайнатилганидан кейингина ўлади. Вирусларнинг бу хусусияти касалликнинг тарқалиб кетишига асосий сабаб бўлади.

Касалликни тарқатувчи асосий манба одам ҳисобланади. Вируслар бемор қони билан айланиб юриб, турли аъзоларга тарқалади ва ташқарига ҳам ажралиб чиқади. Вируслар соғлом кишиларга бемор билан кўришилганда, у фойдаланган буюмларни ишлатганда ёки сув ва озиқ-овқатлар воситасида юқади.

Касаллик қўзғатувчилар организмга тушганидан сўнг хасталик аломатлари дарров пайдо бўлмайди. Дастлаб, вируслар организмда кўпаяди, организм ҳам уларга қарши ҳимоя кучларини ишга сола бошлайди. Бу жараён уч ҳафтадан 10 ҳафтагача давом этиб, шу давр касалликнинг яширин даври деб аталади. Ушбу муддат тугагач касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўла бошлайди. Айрим беморларда касаллик иситма кўтарилиши, бош оғриши, лоҳаслик, аъзойи-бадан қақшаб оғриши билан бошланиб, гриппни эслатади. Лекин кўп ҳолларда дарднинг бошланиш давридаёқ ошқозоничак йўллари фаолиятининг бузилганидан дарак берувчи аломатлар намоён бўлади. Беморнинг иштаҳаси йўқолади. Кўнгли овқат тусамайди. Овқат истеъмол қилинганидан сўнг тўш остида оғирлик, бирор нарса қадалаётгандек, қорин кепчиётгандек туюлади. Кўпинча жигар ва ошқозонда оғриқ пайдо бўлади, кўнгил айнаш, баъзан қусиш ҳоллари кузатилади.

Хасталик қандай аломатлар билан бошланишидан қатъий назар, орадан 6—7 кун ўтгач, сариқлик пайдо бўлади. Сарғайиш дастлаб кўз оқида, тил ости шиллиқ пардаси ва ҳомшоқ танглайда пайдо бўлади. Буни одатда беморлар ёки унинг атрофидагилар тўсатдан сезиб қоладилар. Сариқлик аста-секин терига ҳам тарқалиб, тобора ортиб боради. Сарғайиш пайдо бўлганидан бирор ҳафта ўтгач, касаллик авжига чиқади.

Одатда орадан икки-уч ҳафта ўтгач сариқлик камая бошлайди. Жигар кичрайиб, асли ҳолига қайтади. Аста-секин қувват пайдо бўлади, беморнинг кайфияти яхшиланиб, иштаҳаси очилади ва тузалиш рўй беради.

Шуни айтиш керакки, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиладиган, бошқа сурункали касалликларга чалинган, кексайиб қолган кишиларда ва хомиладор аёлларда касаллик оғирроқ кечади. Беморнинг руҳан эзилиши, унга кўнгилсиз воқеаларни хабар қилиш касалликнинг оғирлашишига сабаб бўлади. Хасталик аломатлари пайдо бўлса ҳам ўз ишини давом эттираверган, вақтида врачга мурожаат қилмаган, ўзбилармонлик билан даволанган, врач тайинлаган режимга риоя қилмаган беморларда сариқ касаллиги ғоят оғир кечади ва кўнгилсиз оқибатлар билан тугаши ҳам мумкин.

Айрим кишиларда касалликнинг сариқсиз формаси ҳам учрайди. Бунда кўз оқи ва терида сарғайиш бўлмайди, касаллик енгилроқ кечади. Лекин касалликни бошқаларга юқтиришда улар биринчи ўринда туради. Хасталикнинг бу формасини фақат врач тўғри аниқлаши мумкин.

Хасталикдан тезда ўнгланиб кетишда парҳезга қатъий риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Истеъмол қилинадиган таомлар сифатли, витаминларга бой, жигарга салбий таъсир кўрсатадиган моддалардан ҳоли бўлиши керак. Кўпроқ сут ва турли ҳилдаги сут маҳсулотлари: қатиқ, кефир, янги тайёрланган сузма, творог, оғиз тавсия қилинади. Ширчой, ширгуруч, ширковоқ каби таомлар, сутда тайёрланган гречка ёки манний крупали бўтқалар ғоят фойдали, осон ҳазм бўладиган овқатлардир.

Ҳўл мевалардан узум, олма, анор, нок, беҳи, шафтоли, ўрик, олхўри, анжир ва уларнинг шарбатлари жуда фойдали. Полиз экинларидан тарвуз ва қовоқ фойдалидир. Помидор, бодринг ҳам тавсия қилинади.

Бемор шифохонадан тузалиб чиқаётган вақтда ўзини яхши ҳис қилса ҳам, жигардаги баъзи ўзгаришлар ҳали тугалланмаган, организмдаги мураккаб модда алмашинуви ўз аслига қайтмаган бўлади. Шунинг учун ҳам сариқ касаллигидан тузалган беморлар вақти-вақти билан врач кўригидан ўтиб туришлари ва юқорида кўрсатилган парҳезга камида 6 ойгача риоя қилишлари лозим. Шунингдек, хасталикдан тузалган кишилар ўзларини совуқдан, қаттиқ ҳаяжонланиш, офтоб уриши каби таъсирлардан эҳтиёт қилишлари, оғир жисмоний иш билан шуғулланмасликлари керак.

С. МУҲАМЕДОВ,
медицина фанлари доктори.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Концерт. 10.50 — «Будильник». 11.20 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.20— «Здоровье». 13.05 — «Киножурнал». 13.20 — «Тонгги почта». 13.50 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.50 — «Музикали киоск». 15.20 — «Саёҳатчилар клуби». 16.20 — Музикали кўрсатув. 16.50 — «Бугун — Қишлоқ хўжалик ходимлари куни». 17.15 — «1983 йил қўшиқлари». 18.15 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.45 — Концерт. 19.25— «Халқаро панорама». 20.10 — «Куяги бўлсин». 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол. СССР — Польша терма командалари. 22.50 — «Агар соғлом бўлай десанг». 23.50 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.20 — Концерт. 10.10 — «Стадион ҳамма учун». 10.40 — Ҳужжатли фильмлар. 11.15 — Концерт. 12.25 — «Ҳайвонот оламида». 13.25 — «Бримлидадаги жанжалли ходиса». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 15.35 — Баянчилар концерти. 15.50 — «9-студия». 16.50 — «Лўли». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 18.10 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.40 — Хоккей. «Химик» — «Динамо» (Москва). 19.50 — Мультфильм. 20.00 — «Эрмитаж». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Печкачилар». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Нуқта, нуқта, вергул». Бадиий фильм. 11.30 — «Ўзбекистон спортив». 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.05 — «Хотира». Кинопрограмма. 14.05 — Реклама. 18.05 — Кўғирчоқ фильм. 18.20 — «Мўъжизалар оламига саёҳат». 19.10 — Ҳужжатли фильм премьераси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Цирк! Цирк! Цирк!». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Самарқанд музикашуносларининг II Халқаро симпозиумининг очилиши. 21.30— «Время». 22.05 — Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИЯ ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—03196. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1694.